



## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН СОЛИҚ ЮКИННИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тұхсанов Қудратилло Нозимович

PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Солиқлар ва сүгурта иши  
кафедрасы доценти.

Тошкент, Ўзбекистон. Email:[qudrat8039@gmail.com](mailto:qudrat8039@gmail.com)

<https://orcid.org/>: 0000-0001-6964-278X

## IMPROVING THE MECHANISM OF TAX BURDEN EVALUATION FOR BUSINESS SUBJECTS

Tokhsanov Kudratillo Nozimovich

Ph.D., associate professor of the Department of Taxes and Insurance, Tashkent State  
University of Economics.

Tashkent, Uzbekistan. Email:[qudrat8039@gmail.com](mailto:qudrat8039@gmail.com)

<https://orcid.org/>: 0000-0001-6964-278X

**JEL Classification:** H2 ,H26

**Аннотация:** Дунё иқтисодиётіда тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ юкини оптималлаштириши бүйіча амалга оширилған илмий тадқиқттарда қуидаги йұналишиларга устуворлық берилмоқда. Булар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ юкини камайтириши шароитида солиқ турлари ва ставкаларини эътиборга олган ҳолда унификация қилиши; давлат ва жамият учун устуворлық касб этгандықтан соҳалардан келиб чиқиб тақдим этілген самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиши; тадбиркорлик субъектларининг солиқ юки күрсаткичи улар томонидан давлат бюджетига тұлған барча солиқлар ва тұловларни құшилған қийматта нисбати орқали аниқлаши; худудларда үндирілаётгап солиқлар ва тұловлар сүммасини ялпи худудий маҳсулотта нисбатан ҳисоблаш; кичик бизнес субъектларида солиқ юки күрсаткичини соға ва умумий солиқ юки тарзидә ҳисоблаш масаласини үз ичига олади.

Шу йилнинг 22 август куни Президент Шавкат Мирзиёев иккинчи

маротаба тадбиркорлар билан очық мұлоқот үтказды. Мұлоқотда бугунги кунга қадар энг долгарб мұаммолар тизимлаштирилиб, уларни ҳал этишига қарастылған йұналишилар әзіл қилинди. Солиқ тизимиши тақомиллаштириши ва бизнессга солиқ юкини имкон қадар камайтириши масаласи устувор йұналиши сифатида таъкидлаб үтилди. Кейинги йилларда транспорт соҳасида солиқ юки – 3 баробар, озиқ-овқат саноатида – 2 баробар, тұқымачилик ва электр техникаси саноатида эса, 20 фоизгача камайғани эътироф этиб үтилди[1].

Мамлакат миллий иқтисодиётінде солиқ юкини таъсирини ўрганиши мұаммоси давлат томонидан үндирілған солиқлар ва үшіншілар билан ялпи ички маҳсулоттнинг умумий ҳажми ўртасида иқтисодий жиһатдан асослаб бериладиган улуши (нисбати)ни топши билан узвий болғылған. Оптимал солиқ юки ҳажмини ҳисоблаб чиқшида мазкур мұаммонинг ечими сифатида тақлиф этилаётгап услугий ёндашувлар жуда күп ва хилма хил, олинған илмий

натижалар моҳияти жиҳатидан бирбира га зид келади. Шу билан бир вақтда илмий ёндашувлар ва таҳлил услубарининг турличалиги солиқ юки муаммосини макроиктисодий дараҷада илмий таҳлил қилиши учун жуда кенг имкониятларни очиб бермоқда.

Давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи оқилона солиқ тизими солиқ тўловчиларнинг ишилаб чиқарии ва тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, хўжалик юритишнинг самарали йўлларини топишга ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли солиқ тўловчининг солиқ юки кўрсаткичи мамлакат солиқ тизимининг сифатини баҳолаш учун етарли бўлади.

**Abstract.** The following directions are given priority in the scientific research conducted on the optimization of the tax burden among business entities in the world economy. These are unification taking into account tax types and rates to reduce the tax burden among business entities; cancellation of ineffective tax benefits provided based on priority areas for the state and society; determining the tax burden indicator of business entities by the ratio of all taxes and fees paid by them to the state budget to the added value; calculation of the amount of taxes and payments collected in the regions about the gross regional product; includes the issue of calculating the tax burden indicator in the form of the net and total tax burden in small business entities.

On August 22 of this year, President Shavkat Mirziyoyev held an open dialogue with entrepreneurs for the second time. In the dialogue, the most urgent problems were systematized until today, and directions aimed at solving them were announced. The issue of improving the tax system and reducing the tax burden on businesses as

much as possible was highlighted as a priority. In the following years, it was recognized that the tax burden in the transport sector decreased by 3 times, in the food industry by 2 times, and in the textile and electrical engineering industry by 20 percent [1].

The problem of studying the impact of the tax burden on the national economy of the country is inextricably linked with finding an economically justified share (ratio) between the taxes and fees levied by the state and the total volume of the gross domestic product. Methodological approaches proposed as a solution to this problem in calculating the optimal tax burden are numerous and diverse, and the obtained scientific results contradict each other in essence. At the same time, the diversity of scientific approaches and methods of analysis opens wide opportunities for scientific analysis of the tax burden problem at the macroeconomic level.

A reasonable tax system that meets the state's needs for financial resources does not have a negative effect on the production and business activities of taxpayers, but on the contrary, it has a positive effect on finding effective ways of doing business. Therefore, the indicator of the taxpayer's tax burden is sufficient to assess the quality of the country's tax system.

**Калим сўзлар.** тадбиркорлик субъектлари, солиқ турлари, солиқ юки, солиқ ставкалари, солиқ механизми.солиқ имтиёзлари.

**Keywords.** business entities, tax types, tax burden, tax rates, tax mechanism, tax benefits.

**Кириш.** Мамлакат миллий иқтисодиётида солиқ муносабатларининг натижавий кўрсаткичи ҳисобланган солиқ юки моҳият жиҳатидан энг аввало, аҳоли ва хусусий сектордаги молиявий

ресурсларнинг маълум қисмини давлат фойдасига ундириб олиниши билан тавсифланади. Шу боис, солиқ юкининг миқдор кўрсаткичлари ёрдамида ифодалашга оид илмий мунозаралар доим долзарб бўлиб келган.

Ўтган бир йилда 55 мингдан ортиқ бизнес учун мўлжалланган бинолар барпо этилди, пул айланмасини 1 миллион доллардан оширган тадбиркорлар сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтани ташкил этди, экспорт килувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етиб, жами экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайди[1].

Солиқ муносабатларининг фискал ҳамда тартибга солувчи функциялари солиқ юкини аниқлаш ва уни оптималлаштиришда муҳим ҳисобланади. Солиқ юкининг фискал жиҳати хусусий секторнинг молиявий ресурсларини жамият манфаатлари йўлида марказлаштиришга хизмат қилиши, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи жиҳати солиқ механизми орқали ишлаб чиқариш жараёнларига билвосита таъсир кўрсата олишида намоён бўлади. Солиқ юки солиқ тўловчиларнинг иқтисодий соҳадаги эркинлигини қисман чегаралаб турадиган омил, давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий хизматларнинг ўзига хос «баҳоси» сифатида эътироф этиш мумкин.

Солиқ юкининг миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш муаммоси давлат томонидан ундирилган солиқлар ва йиғимлар билан ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми ўртасида иқтисодий жиҳатдан асослаб бериладиган улуши (нисбати)ни топиш билан узвий боғлиқ. Оптимал солиқ юки ҳажмини ҳисоблаб чиқиша мазкур муаммонинг ечими сифатида таклиф этилаётган услубий ёндашувлар жуда кўп ва хилма

хил, олинган илмий натижалар моҳияти жиҳатидан бир-бирига зид келади. Шу билан бир вақтда илмий ёндашувлар ва таҳлил услубларининг турличалиги солиқ юки муаммосини макроиктисодий даражада илмий таҳлил қилиш учун жуда кенг имкониятларни очиб бермоқда[2].

Шу мақсадда, солиқ юкини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилгани айрим услубларни кўриб чиқамиз. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини аниқлаш бўйича расмий ва ягона услуг том маънода ишлаб чиқилмаган.

**Материал ва метод.** Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борган О.Гайбуллаев солиқ юкини макросатҳда, мезосатҳда ва микросатҳда баҳолаш ва таҳлил қилиш мумкин, деб ҳисблайди ва солиқ юкини кўп сатҳли баҳолаш (СЮКСБ) услубини таклиф этади[3]. Бироқ, О.Гайбуллаев таклиф қилган услубида иккита энг муҳим нарсани тўлиқ тушунтируммаган ва ёритмаганлиги сабабли унинг тадқиқоти натижаларидан фойдаланувчиларда тушунмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Булар, биринчидан, солиқ юкини баҳолашда айнан қайси солиқлар, тўловлар ёки мажбурий ажратмалар ҳисобга олиниши аниқ кўрсатилмаганлиги бўлса, иккинчидан, солиқ юки нисбатланадиган умумий манба аниқлаштирилмасдан мавҳум қолдирилганлигидир. Яъни у солиқ юки нисбатланадиган умумий манба сифатида корхона фаолиятининг маълум бир даврдаги молиявий кўрсаткичларини, умумий даромад (иш хақи фонди, ялпи фойда ва амортизация ажратмалари йиғиндиси), қўшилган қиймат ёки ялпи тушум миқдорини солиқ юки базаси сифатида қараш мумкин, деб ҳисблайди.

Професор Б.Тошмуродова ўзининг «Солик муносабатларини оптималлаштириш» ўқув қўлланмасида иқтисодиётнинг айрим тармоқлари корхоналари учун солик юкини ҳисоблаб чиқган. Муаллиф бу ерда солик ва тўловларни ялпи тушумдаги ва қўшилган қийматдаги салмоғларини ҳисоблаб чиқкан. Бунга кўра барча тармоқлардаги соликлар ва тўловларнинг қўшилган қийматдаги салмоғи ялпи тушумдаги салмоғидан юқори эканлиги ва бундан ташқари тармоқлар ўртасидаги солик юкининг юқорилигини ҳамда айрим тармоқларда солик юкининг йиллар давомида ўсганлигини кўриш мумкин[4].

Професор Б.Исройлов таклиф қилган услугга кўра, солик юки солик суммасининг маҳсулот сотишдан тушумга нисбати сифатида аниқланади[5]. Бу кўрсаткичнинг маҳсулот сотишдан соф тушумда соликлар улушини кўрсатишини инобатга оладиган бўлсак, унда у соликларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини ҳечам баҳолай олмаслигини таъкидлашимиз мумкин. Чунки у сотишдан ялпи тушум таркибидаги харид қилинган материаллар, қўшилган қиймат ва унинг элементлари улушини ҳисобга олмайди.

Тадқиқот давомида тадбиркорлик субъектларига нисбатан солик юкини оптimal тақсимлаш механизмини амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш, солик имтиёзлари ва пасайтирилган солик ставкаларини тақдим этиш орқали улар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган

$$CCIO = UC / KK * 100\%$$

$$JCSIO = (UC + PC) / KK * 100\%$$

иқтисодий сиёsat йўналишлари ҳамда илфор тажрибаларни Ўзбекистон иқтисодиётига қўллаш йўлларини белгилаб олиш жараёнида мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, статистик гурухлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан самарали фойдаланилган.

**Натижалар.** Биринчи гурухга барча тадбиркорлик субъектларига умумий хос бўлган, яъни оддий тадбиркорлик фаолияти учун белгиланган соликларни киритади. Булар умумбелгиланган тартибида солик тўловчи корхоналар кесимида ККС, сотиш ҳажмидан ажратмалар, фойдадан соликлар, мулкий соликлар, соддалаштирилган тартибида солик тўловчи корхоналар кесимида эса, тегишлича ЯСТ, ягона ер солиги, қатъий белгиланган соликлардан иборат. Шунингдек, солик тўлашнинг қайси тартибида эканлигидан қатъий назар, иш ҳақига доир соликларни ҳам шу гурухга киритади. Иккинчи гурухга тадбиркорлик субъектларининг барчасига ҳам хос бўлмаган, факат алоҳида хусусиятли (монопол) фаолият тури билан шуғулланиш ёки маълум бир операцияни амалга ошириш ҳуқуқи учун давлатга тўланадиган соликларни киритади.

Тадбиркорлик субъектларининг солик юкини икки даражада, яъни барча тадбиркорлик субъектлари учун умумий бўлган соликларни ҳисобга олувчи соф солик юки (ССЮ) ва тадбиркорлик субъекти мажбуриятида бўлган барча соликларни ҳисобга олувчи жамланган солик юки (ЖСЮ) кўрсаткичи асосида баҳолашни таклиф этади:

(1)

(2) [6]



бунда: **УС** - барча тадбиркорлик субъектлариға умумий бўлган солиқ ва мажбурий тўловлар;

**РС** - табиий ресурслардан фойдаланиш, алоҳида хусусиятли фаолият тури билан шуғулланиш ёки маълум бир операцияни амалга ошириш хукуки

учун тўланадиган солиқ ва тўловлар;

**ҚҚ** - қўшилган қиймат.

Шунингдек, факат солиқ юки кўрсаткичи орқали солиқка тортишнинг тадбиркорлик субъекти молиявий

$$PFB = (UC + PC + PMB) / KK * 100\%$$

бунда: **ПМБ** - барча солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича юзага келган пенялар, қўлланилган молиявий жарималар ҳамда хўжалик судининг бож суммалари.

Солиқ юкини баҳолаш бўйича хорижлик олимлар томомидан ишлаб чиқилган услубларга тўхтадиган бўлсак, А.Кадушин ва Н.Михайловалар томонидан таклиф қилинган услуга кўра, солиқ юкини қўшилган қийматнинг давлатга ажратиладиган улуши сифатида аниқлаш таъкидланади. Муаллифларнинг

фаолиятига таъсирини тўлиқ баҳолаб бўлмайди деган фикрни олға суриб, тадбиркорлик субъектлариға ҳисобланган пенялар, молиявий жарималар ва солиқ қарзларини мажбурий ундириш юзасидан келиб чиқадиган хўжалик суди божларини ҳам ўз ичига олади деб таъкидлайди. Шу сабабли, солиқларнинг жамланган юқидан ташқари айтиб ўтилган қўшимча тўланмалар юкини ҳам ҳисобга олиш орқали корхоналар учун ҳақиқий (реал) фискалъ босимни аниқлашни таклиф қиласди:

(3) [6]

фикрича, қўшилган қиймат корхона даромадининг ва айни пайтда солиқларнинг ягона манбаи ҳисобланади. Ушбу услугуб иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги корхоналар солиқ юкини уларнинг сотишдан ялпи тушуми ва харажатлари таркибини солиштирган ҳолда баҳолашга мўлжалланган. Шу мақсадда, муаллифлар хўжалик турини тавсифлаш учун корхонанинг ялпи тушумини қўйидаги элементлар тизими кўринишида келтиради:

### 1-жадвал

#### Корхонанинг сотишдан ялпи тушуми таркиби[7]

Сотишдан ялпи тушум (Т)				
Материал харажатлар (Мх)	Қўшилган қиймат			
	Амортизация ажратмалари (Ам)	Иш ҳақи харажатлари (ИХа)	Фойда (Ф)	KKC + Ca (сотиш хажмидан ажратмалар)

Келтирилган элементларнинг улуши фаолият турига қараб турлича бўлганлиги учун, ишга қўйидаги таркибий коэффициентлар киритилади:

Ко - ҚҚнинг ялпи тушумдаги улуши: Ко=KK/T (ишлаб чиқаришнинг материалталаблигини аниқловчи коэффициент);

Ких - иш ҳақи харажатларининг ҚҚдаги улуши: Ких=ИХа/ҚҚ (ишлаб чиқаришнинг меҳнатталаблиги коэффициенти);

Кам - амортизация ажратмаларининг ҚҚдаги улуши: Кам=Ам/ҚҚ

(ишлаб  
фондталаблигини  
коэффициент).

Шундай қилиб, Ўзбекистан  
Республикасининг амалдаги солиқларини

$$\text{ККС} = (20/120 * 100) * \text{КК}; \quad (4)$$

$$\text{ЯИТ} = (25/125 * 100) * \text{КК} * \text{Ких} \quad (5)$$

Иш ҳақидан даромад солиги (бу солиқни корхона эмас, ишчи тўлашига қарамасдан уни ушбу моделда ҳисобга олиш таклиф қилинади, чунки корхона ўз ишчисини солик ушлангандан кейин қоладиган рақобатбардош “соф” даромад билан таъминлашга интилади; бундан

$$(\text{Дс}) = 0,2 * (1 - 0,25/1,25) * \text{КК} * \text{Ких}; \quad (6)$$

Сотиш ҳажмидан ажратмалар (жами 3,5%) ( $\text{Ca}$ ) =  $(0,035 * \text{КК}/\text{Ко})/1,2$ ;

Фойда солиги ( $\Phi$ ) =  $0,1 * (1 - \text{ККС-Ких-Кам-0,035}/1,2/\text{Ко}) * \text{КК}$ .

Юқорида келтирилган барча солиқлар бўйича формулаларини умумлаштириш қўшилган қийматнинг давлатга ажратиладиган умумий улушкини, яъни жами солик юкини кўрсатувчи формуласи яратиш имконини беради.

Ушбу услуг музаллифларининг эътирофи, солик юкини баҳолаш содда ва тушунарли бўлиши учун акциз ва бошка маҳсус солиқлар (табиий ресурслардан фойдаланганлик учуй солиқлар, ер ва мол-мулк солиқлари) ҳисобга олинмаган. Чунки, бундай солиқлар ҳисоб-китобга киритилса, моделга қўплаб қўшимча тушуниришлар киритиш талаб қилинади. Бу эса уни чигаллаштириб, тушунарсиз ҳолатга келтириб қўяди. Боз устига, бу услуг фақат умумбелгиланган тартибда солик тўловчи корхоналар солик юкини баҳолашга мўлжалланган.

ушбу услугга мослаштирадиган бўлсак, қуидагилар ҳосил бўлади:

ташқари ишчи учун меҳнатни баҳолашнинг муқобили бўлиб “хуфёна” бандлик соҳасидаги даромад, яъни солик ушланмайдиган даромад ҳисобланади. Бу ерда даромад солигининг ўртача ставкаси шартли равишда 20 фоиз деб олинади:

Е.Кированинг солик юкини баҳолаш услубида олдингисидан фарқли равишда солиқларнинг манбаи сифатида КК эмас, балки янгидан яратилган қиймат (ЯЯК) олинади. Янгидан яратилган қиймат ККдан амортизация ажратмаларини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади. Бундан ташқари, ушбу услугда солик юки таркибига иш ҳақидан солиқлар киритилмайди. Муаллифнинг таъкидлашича, мазкур солиқларнинг тўловчилари жисмоний шахслар ҳисобланади, корхона эса уларни фақат тўлов манбаида ушлаб, бюджетга ўтказади.

Е.Кирова эгри солиқларни корхонага тушувчи солик юкини оширади, лекин уларнинг юкини ҳақиқатда кўтарувчилар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг охирги истеъмолчилариидир, деб ҳисоблайди. Шу сабабли у эгри солиқларни солик юкини баҳолашда ҳисобга олмайди. Е.Кирова солик юкини (СЮ) қуидаги формула асосида аниқлашни таклиф этади:

$$СЮ = \frac{СТ+ИТ}{ЯЯК} * 100\% = \frac{СТ+ИТ}{ИХ+ИТ+Ф+СТ} * 100\% \quad (7)$$

бунда: **СТ** - солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар;

**ИТ** - ижтимоий түловлар;

**ЯЯК** - янгидан яратылған қиймат;

**ИХ** - иш ҳақи түловлари;

**Ф** - корхона фойдаси.

Шундай қилиб, Е.Кирова услуги олдингига зид үлароқ, солиқ юкини аниқлашда маҳсулотнинг фондталаб, материалталаб ва меҳнатталаблик күрсаткичларини ҳисобга олмайди. Ушбу услуганинг афзаллиги шундаки, у алохидә бир корхонанинг солиқ юкини, қайси тармоққа мансублигидан қатый назар, бир хилда баҳолаш имконини беради. Бироқ, тадбиркорлик субъектлари солиқ юкини баҳолашда иш ҳақидан солиқларни ҳамда эгри солиқларни ҳисобга олмаслиги боис, бу услугни

солиқ юкини тұла баҳолаш имконини берадиган услуга сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Е.Егорова ва Ю.Петровлар солиқ юкини баҳолашда ҚҚни солиққа тортишнинг түлиқ интеграл ставкаси (СТС) күрсаткичидан фойдаланишини таклиф қиласи. Бу күрсаткич ўзида корхона, унинг ишчилари ва мулкдорлари томонидан тўланадиган барча солиқ ва мажбурий түловларнинг ҚҚга нисбатини намоён қиласи. Уни ҳисоблаш формуласи қўйидагича:

$$СТС = (KC + IC + MC) * 100\% / KK \quad (8) [8]$$

бунда: **KC** - корхонадан ундириладиган солиқлар, мажбурий ажратмалар, йигимлар;

**IC** - корхона ишчиларининг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва бадаллар;

**MC** - мулкдорлар ва инвесторлардан ушлаб қолинадиган солиқлар;

**KK** – қўшилган қиймат.

Кўриб чиқилған услубларнинг барчаси ҳам ўз йўлига тўғри, лекин улар орасидан биронтасини танлашдан олдин бир нарсани аниқ тасаввур қилиш керакки, тўлақонли таҳлил учун корхоналар солиқ юки миқдорини уларнинг ўз-ўзини молиялаштириш асосида ривожланиш имкониятлари билан боғлай оладиган кўрсаткич талаб қилинади. Шу маънода, ушбу мезонларга бирмунча жавоб бера оладиган услуг -

бу, фикримизча, Е.Егорова ва Ю.Петровлар томонидан таклиф қилинган услубдир.

Шу билан бирга, корхонага ҳисобланган пеня ва жарималар ҳам солиқ юкини ҳисоблашда инобатга олиш керак, негаки ушбу пеня ва жарималар реал фискалъ босимни ортишида муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги таҳлиллар натижасида солиқ юкини ҳисоблашда барча ҳисобланган солиқларни ҳамда пеня ва жарималарни инобатга олган ҳолда солиқ юкини ҳисоблаш керак деган хуносага келдик. Фикримизча таклиф этилаётган услуг орқали солиқ юкининг корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини тўлақонли ва қиёсий таҳлил қилиш имконияти мавжуд.

**Мунозара.** Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа

тортишнинг мақбул даражасини ўрнатиш солиқ юкининг қай йўсинда баҳоланишига боғлиқ, чунки солиқ юки кўрсаткичи солиқка тортиш тизимининг самарадорлигини аниқлаб берувчи энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шу сабабли, солиқ юкини баҳолаш объектив зарурат ҳисобланади. Солиқ юкини тадбиркорлик субъектлари миқёсида аниқлаш борасида қарашлар турлича бўлиб, бу солиқлар нисбатланадиган манбанинг муаллифлар томонидан турлича талқин этилиши билан боғлиқ. Фикримизча, ялпи солиқ юкини аниқлашда солиқлар нисбатланадиган манба ЯИМ бўлса, алоҳида тадбиркорлик субъектида ушбу манба қўшилган қиймат бўлиши лозим. Чунки, ЯИМ моҳиятнан иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган, оралиқ истеммол чегирилган пировард маҳсулот, аниқроғи, қўшилган қийматлар йифиндисидан иборат. Хўжалик субъектининг солиқ юки – муайян хўжалик субъектида яратилган (қўшилган) янги қийматга уни яратиш жараёнида конунчилик бўйича давлатга ажратиш учун ҳисобланган барча солиқ, тўлов ва мажбурий ажратмалар жамламасининг нисбатидир.

Тадбиркорлик субъектлари солиқ юки даражасининг шаклланиши ва ўзгаришига кўп омиллар таъсир қиласи. Жумладан, барча солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдори, ҳар бир солиқнинг базаси, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, қўшилган қийматнинг ўзгариши, товарга бўлган талаб ва таклиф солиқ юки даражасига таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, фақат солиқ юки кўрсаткичлари орқали солиқка тортишнинг тадбиркорлик субъекти молиявий фаолиятига таъсирини тўлақонли баҳолаб бўлмайди. Шу мақсадда, солиқлар бўйича пенялар,

молиявий жарималар ва хўжалик суди божларини ҳам ҳисобга олган ҳолда корхона учун ҳақиқий (реал) фискалъ босимни баҳолаш услуби аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ юкини оптималлаштириш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамланиши ҳам таъминланади. Ушбу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда ҳудуднинг тарихий ривожланиши тажрибасидан келиб чиқиб тадбиркорликни фискалъ рағбатлантириш механизмига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мамлактимиз ҳудудларида хусусийлаштирилган ва бугунги кунда мақсадли фаолият кўрсатмаётган мулклардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишини йўлга қўйиш лозим бўлади. Бўш турган объектларда ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида инвестиция киритилиши келгусида солиқка тортиладиган базани янада кенгайтиришга олиб келади.

Республикамиз ҳудудларида солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича солиқ йифилувчанлигини ошириш ва солиқ қарздорлиги бўйича солиқ интизомини мустаҳкамлашга оид тизимли ишларни кучайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳудудларда таҳлил қилинган йиллар бўйича солиқ йифилувчанлиги даражаси юқори кўрсаткичга эга эмас. Айрим солиқ турлари (жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари) бўйича солиқ йифилувчанлиги паст кўрсаткичларда қолмоқда.

**Хуроса.** Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини оптимал ҳажмини ҳисоблаб чиқиша ягона услугий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги олинган илмий натижалар

моҳияти жиҳатидан бир-бирига зид келишига замин яратади. Шу билан бирга илмий ёндашув ва таҳлил услублар хилма-хиллиги солиқ юки муаммосини макроиктисодий даражада илмий таҳлил қилиш учун жуда кенг имкониятларни очиб беради. Солиқ юкининг мазмун-моҳиятини фискал ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи функциялари орқали кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Солиқ юкининг фискал жиҳати хусусий секторнинг молиявий ресурсларини жамият манфаатлари йўлида марказлаштиришга хизмат қилишида, ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи жиҳати эса солиқ механизми орқали ишлаб чиқариш жараёнларига билвосита таъсир кўрсата олишида намоён бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юки мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатининг натижаси бўлиб, солиқ тизимидаги иқтисодий ислоҳотларнинг сифатини ифодалайди. Шу билан бирга олинаётган солиқлар даражаси, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг

самарадорлигига, бошқа томондан давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи миқдори билан белгиланади. Шу боис, солиқ юкининг оғирлигини камайтириш давлат харажатларини қисқартириш билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йилнинг 1 январига қадар белгиланадиган туризм ҳудудларида 28 та туман ва шаҳарларда руйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинадиган солиқ ставкасининг 1 фоиз ҳамда ушбу ҳудудларда обьектлар ва улар эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиги солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида жорий этилиши тадқиқотлар натижасида аниқланган. Шу муносабат билан солиқ юкини оптималлаштиришда нафақат солиқ ставкаси, балки солиқ базаси, солиқдан имтиёзларининг самарадорлик кўрсаткичи ва замонавий солиқ механизми каби омиллар таъсирини ҳам баҳолаш таклиф этилган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «Очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 364-сонли қарори.
2. Тўраев Ш.Ш. Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертация автореферати. – Тошкент, ДЖҚА. 2022. 64 б.
3. Гайбуллаев О.З. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, ДЖҚА, 2004.-20 б.
4. Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Монография. – Тошкент. ТМИ нашриёти. 2005. 160-б.

5. Исройлов Б.И. Солиқ юки ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими// Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг тамойиллари ва асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент. 2006. 52-б.
6. Ниязметов И. Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири таҳлили: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, БМА. 2008. 39-б.
7. [www.klerk.ru/boss](http://www.klerk.ru/boss). Кадушин А., Михайлова Н. Насколько посильно налоговое бремя (попытка количественного анализа)
8. [www.voskres.ru/articles/taxes.htm](http://www.voskres.ru/articles/taxes.htm) Егорова Е. Налоговое бремя и инвестиции.